

**2014-1**

**Судланганларнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти суди кассация инстанциясининг 2013 йил 20 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган жиноят ишлари бўйича Кармана тумани судининг 2013 йил 24 январдаги ҳукмига кўра, М, С, Р. ва Т.нинг ҳар бири Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М, С, Р. ва Т. 2012 йил 19 сентябрга ўтар кечаси, бир гуруҳ бўлиб, чўл ҳудудидаги яйловдан, Кармана қорақўлчилик ширкат хўжалигига тегишли, У.нинг жавобгарлигидаги 3.500.000 сўмлик ўн бош қўйни, 2012 йил 9 октябрга ўтар кечаси, такроран, Н.нинг жавобгарлигидаги 3.500.000 сўмлик ўн бош қўйни яширин равишда талон-торож қилиб, ўғирлашган.

Суд М, С, Р ва Т.нинг айблилик масаласи ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, уларнинг ҳаракатларини малакалашда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 25-моддасига мувофиқ, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги "**Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-**

**торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида**"ги қарорининг 5-бандида, ўзгалар мулкани ўғирлик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, М, С, Р. ва Т. 2012 йил 9 октябрга ўтар кечаси, чўл ҳудудидаги яйловдан ўн бош қўйни ўғирлаб, воқеа жойидан автомашинага ортиб кетаётганларида, йўлда ИИБ ЙҚХБ ходимлари турганлигини билиб, қўйларни автомашинадан тушириб, далага қўйиб юбориб, ўғирлик жиноятини охирига етказа олишмаган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг кассация инстанцияси суди ҳам М, С, Р. ва Т.нинг биринчи эпизодда тамомланган, иккинчи эпизодда охирига етказилмаган ўғирлик жиноятларини содир этганликдаги ҳаракатлари фақат Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан квалификация қилинганини эътибордан четда қолдирган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 7 ноябрдаги ажрими билан М, С, Р ва Т.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, М, С, Р ва Т.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" бандидан шу кодекснинг 169-моддаси 2-қисми "в" банди, 25,169-моддаси 3-қисми "а" бандига қайта малакаланиб, уларнинг ҳар бирига Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибда 3 йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

***ЖСХ-334-13 назорат иши***

